

## ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИЯЛАР

**Р. Мусурмонов**

Чирчиқ давлат педагогика институти  
доценти

**М. Мусурмонова**

Чирчиқ давлат педагогика институти  
ўқитувчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада янги Ўзбекистон шароитида таълим самарадорлигига эришишнинг долзарб масалалари тўғрисида фикр юритилган. Хусусан, ўқитувчилар фаолияти ҳамда таълим муассасаси раҳбарларининг бошқарув тизимига қўйилган замонавий инновацион талаблар тўғрисида тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ўқитувчи, ўқитувчи, компетентлик, инновация, диалектика, ихтилофликлик.

### INNOVATIONS IN DEVELOPING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF TEACHERS

**R. Musurmonova**

Associate Professor, Chirchik State  
Pedagogical Institute

**M. Musurmonova**

Chirchik State Pedagogical Institute

### ABSTRACT

The article discusses the current issues of achieving effective education in the new Uzbekistan. In particular, recommendations were made on the activities of teachers and modern innovative requirements to the management system of heads of educational institutions.

Keywords: teacher, educator, competence, innovation, dialectic, conflict.

### КИРИШ

Янги Ўзбекистон ва унинг мустақкам пойдевори таълим муассасаларида яратилишини Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистоннинг остонаси мактабдан бошланиши” га урғу берди. Таълимда анъанавийлик кўп ҳолларда ўзини оқламай қўйди. Тўғри анъанавий таълим туфайли ҳам фан-

техника ва технологиялар қисман ривожланганлигини инкор этиб бўлмайди. Аммо ривожланган мамлакатлар тажрибаси мамлакатни комплекс ривожлантиришнинг асл моҳияти инновация ва инновацион жараёнларга бевосита боғлиқлигини исботлаб турибди. Шу нуқтаи-назардан таълим тизимига инновацияларни кенг тадбиқ этиш зарурати аллақачон келиб етди. Афсуски, бунга гўёки анча йиллар олдин киришилгандек туюлсада, узлуксиз таълим тизими муассасаларида эса натижа – таълим самарадорлиги сезилмаяпти. Шунчаки, ўқитувчилар дарс жараёнида илғор педагогик технологияларини қўллашнинг ноананавий усулларини номигагина, ўша технологиянинг моҳиятини аниқ тасаввур этмаган ҳолда уринишяптилар холос. Ахир, натижа бўлмаганидан кейин бошқача хулоса бўлиши ҳам мумкин эмасда! Таълим самарадорлигининг таъминланмаслик сабабларидан асосийси – мактаб раҳбарларининг таълим муассасасини бошқариш малакасининг етарли эмаслиги оқибатидадир. Бу бора ҳудудий таълим бошқарув органларининг ишлари талаблар даражасида ташкил этилмаган. Мактаб ўқитувчиларига методик ёрдам бериш мақсадида қабул қилинган методистлар ўз вазифа-бурчларини тўла-тўқис амалга оширмаяптилар. Номига методисту аслида эса мутлақо бошқа топшириқларни бажариш билан овора.

### **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Хўш, нима қилиш керак? Кўп йиллик тажриба ва кузатишлардан айтиш мумкинки, шахсга йўналтирилган таълим концепциясини ўқитувчилар аниқ ва тиниқ тасаввур эта олаяптиларми? Дарс жараёнида субъект-субъект муносабатлари ўзаро мулоқот асосида, ўқувчиларда илм олишга бўлган мотивация (эҳтиёж) ни шакллантириш асосида ташкил этиляптими? Бу саволарга жавоб излаш учун кўп нарса керак эмас. Фақат кучли методистларнинг дарсларга кириб илмий-методик жиҳатдан чуқур таҳлил қилишлари талаб этилади холос. Бунинг учун эса уларнинг ўзлари ҳам пухта тайёргарлик ва малакаларга эга бўлмоқликлари шарт.

Қолаверса, мактаб раҳбарларининг таълим-тарбия самарадорлигини таъминлаш юзасидан қатъий назоратлари, таълим муассасасини замонавий бошқаришга қўйилган талаблар асосида фаолият олиб боришлари зарурлиги муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлиллар кўрсатадики, жуда кўп ҳолларда дарслар номигагина (оғизда амалда эмас) янги педагогик технологияни қўллашдан ўрнига, эскича паст савиядаги анъанавий методларда олиб борилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Натижа ҳам шунга яраша. Бу борада ота-оналарнинг масъулияти ҳам талаб даражасида эмаслиги масалани янада қийинлаштиради.

Инновация тушунчасига берилган бир қанча таърифларнинг таҳлилига кўра, инновациянинг ўзига хос мазмуни ўзгаришларини ташкил этади. Инновацион фаолиятнинг асосий функцияси натижани ўзгартиришдан иборат деган хулоса келиб чиқади.

“Инновация” ва “инновацион жараёнлар” иборалари ўзаро яқин ва ўхшаш, лекин бир хил маънони англатмайди. Инновацион жараён инновацияларни вужудга келтириш, амалиётга татбиқ этиш ва оммалаштириш фаолиятлари билан боғлиқ.

Инновацияларнинг илмий-техникавий янгилиги ва амалиётда қўлланилиши унинг зарурий хусусиятларидан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, инновация натижаларини инновацион жараён билан биргаликда, ўзаро боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Адабиётларда инновацияларнинг ўзига хос ўзаро боғлиқ бўлган уч хусусияти мавжуд: қўлланилиши, татбиқ этилиши, илмий техникавий янгилиги эътироф этилади.

Амалиётда “янгилик”, “янгиликни”, “янгилик киритиш” тушунчалари кўпинча тенглаштирилади, лекин уларнинг ўртасида баъзи бир фарқлар мавжуд. Янгилик – янги тартиб, янги услуб, янги метод, янги ихтиролар бўлиши мумкин.

Ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги асосан инновацион жараёнларда ривожланади. Таълим муассасаларида ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишларида ташкил этиладиган инновацион жараёнларнинг самарали бошқариш, мазкур жараёнга ўқитувчиларнинг қизиқишларини ривожлантириш ҳамда кўзланган натижаларга эришишда инновацион жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш ва бунга инновацияларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур бўлади.

Ўқитувчилар касбий компетентлигини ривожлантириш йўналишларида ташкил этиладиган инновацион жараёнларни мураккаб, кўп даражали жараён сифатида изоҳлашда бир қатор хусусиятларни инновацияга хос хусусиятлар деб ҳисоблаш лозим: диалектиклик, даврийлик, асосланганлик даражаси, ихтилофлик, аҳамиятлилик, таваккалчилик, раҳбарлик услубларини тавсифлаш қобилияти, вазиятга алоқадорлик, таркибий тузилишга эгаллиги, инновацион ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш имконияти, бошқарувчанлик, ижтимоий мўлжалланганлик, инсонларнинг қизиқиши бўйича табақалаштириш қобилияти, инновацияларнинг субъект томонидан қабул қилиниши кабилар.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

**Диалектиклик** – бу инновацияларнинг ривожланиш жараёни бўлиб, унинг меъёрий асосларини секин-аста, босқичма-босқич янгилаб бориш жараёни билан тавсифланади. Инновациялар мавжуд урф-одат, анъаналар билан ижодий зиддиятларни вужудга келтиради ва улар асосида амалга оширилади ҳамда ривожлантирилади. Бу тизимнинг узлуксизлиги муассасанинг инновацион ривожланиш кўрсаткичини белгилайди.

**Инновациянинг даврийлиги** – ўқитувчиларда анъанавий таълим бериш йўналишидаги тушунчаларни бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган янги касбий билим ва тушунчалар билан мақсадга мувофиқ ҳолда, аста-секин алмашилиб боришини тасдиқлайди.

**Инновациянинг асосланган даражаси** – ўқитувчиларда янги сифатли ўзгаришларнинг миқдори билан ифодаланади. Ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган таълим усулларидан инновация қанча кўп фарқ қилса, унинг ўзгартириш салоҳияти ва асосланганлик даражаси шунча юқори бўлади.

**Инновациянинг ихтилофлиги шундаки**, ихтиёрий янгиликни киритиш ўзига хос хусусиятларга боғлиқ бўлмаган ҳолда ихтилофли вазиятлар вужудга келтириши мумкин, чунки инновацион таълим усулларини ўзлаштиришнинг мураккаблигига боғлиқ ҳолда, таълим муассасасида одат тусига кирган ўзаро таъсир ва муносабатларни ўзгартиради.

**Инновацияларнинг аҳамиятлилиги** – бунда инновацион жараён даврида таълим муассасаси раҳбарига ўқитувчиларнинг янгиликларга бўлган муносабатларини объектив баҳолаш имконияти туғилади, жамоада ички муносабатнинг ўзгариши, кескинлашуви вужудга келади ва ўз навбатида мазкур жараёнга мос келувчи инновацион таълим лойиҳаларини ишлаб чиқиш имконияти туғилади.

Инновацион таваккалчилик инновациянинг эҳтимоллик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Нативийликка ишончсизлик ўқитувчиларда таваккалчилик ва хавотирланиш ҳиссиётларини вужудга келтиради ҳамда татбиқ этиш фаолиятининг натижаларига ўз таъсирини кўрсатади.

**Инновациянинг раҳбарлик** услубларини тавсифлаш қобилияти, инновацион раҳбарлик услуби инновацион жараённинг натижасига ўқитувчиларнинг шахсий қизиқишларини вужудга келтиришни назарда тутди.

**Инновациянинг вазиятга алоқадорлиги** – инновацияларни амалга ошириш кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг индивидуал хусусиятларига ҳамда ташкилий таълимий муҳитнинг янгиликларни қабул қилиш учун тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади.

**Инновацияларнинг структуравийлиги** – янгиликлар билан танишиш, баҳолаш, синаш, маъқуллаш ва тўла қабул қилиш инновацияни амалга татбиқ этишнинг асосий босқичларини белгилайди.

**Инновацияларнинг раҳбарликни инновацион услублари стратегиясини шакллантириш имконияти** – инновацион дастурларни амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлиги ўқитувчиларнинг қизиқишларига ва улар натижасида инновацион жараёнларга ўқувчиларнинг психологик тайёргарлигини шакллантириш ҳамда тайёргарлик даражасини ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

**Инновацияларнинг бошқарувчанлиги** – янгиликни татбиқ этишда ташкилий вазиятларни ривожлантиришнинг дастурлаштириш имкониятлрига боғлиқ бўлади.

**Инновацияларнинг ижтимоий мўлжалланганлиги** – индивидуал мақсадларни ва вазифаларни ташкилий тизимнинг мақсади ва вазифалари билан мувофиқлаштириш асосида ўқитувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириши, шахсий ривожланиш истиқболларини белгилайди.

**Инновацияларнинг инсоннинг қизқиши бўйича табақалаштириш қобилияти** – алоҳида индивид ва гуруҳлар учун инновациянинг турли хил муносабатлари мавжуд. Маълум бир ўқитувчилар томонидан қўшимча имкониятларни олиниши бошқа ўқитувчиларнинг имкониятларини камайишига олиб келади ва бу ўз навбатида янгиликларни қабул қилиш учун аниқ тартиб ўрнатишга ўз таъсирини кўрсатади.

**Инновацияларнинг субъект томонидан қабул қилиниши** – ўқитувчи томонидан маълум бир янгиликларни қабул қилиниши мавжуд ҳаракатдаги тизимнинг ўзига хос хусусиятларига қай даражада мос келишига ҳамда имкониятларни шакллантиришда ўқитувчининг ҳолатини яхши ёки ёмон томонга ўзгартиришга боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаларида ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда фан ва техника ютуқларига асосланган бошқарувнинг энг самарали методларидан фойдаланишни, янги шахсий касбий сифатларни талаб қилади, бу ўз навбатида стратегик бошқарувнинг заруратини белгилаб беради.

**Стратегик режа** – таълим муассасасида таълим тизимини ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнида кўзда тутилган мақсадларга эришиш – ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, таълим муассасасида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш йўналишида узоқ муддатларга мўлжалланган вазифаларни ўз ичига олган дастур (истикбол режа)

бўлиб, у таълим муассасасининг ва раҳбарларнинг йиллик ва жорий режалари учун асос сифатида хизмат қилади.

**Бошқарув стратегияси** – ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси фаолиятини такомиллаштириш, ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, стратегик режа асосида фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш йўналишида асосан бошқарувнинг икки турини назарда тутати: стратегик бошқарув, конъюнктуравий бошқарув.

**Конъюнктуравий бошқарув** – маълум бир даврда муассасанинг иқтисодий аҳволини тавсифловчи белгилар мажмуаси билан боғлиқ бўлади.

Замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланишлар ва таълим соҳасидаги ислохотлар жараёнида амалга оширилаётган янгиликларга мактаб фаолиятини мувофиқлаштириб боришда таълим муассасаси раҳбарлари жорий режалар билан чекланиб қолмай, ўз муассасалари келажаги ва ривожланишига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда “стратегик” узоқ (беш, ўн ва ундан кўпроқ) муддатларга мўлжалланган истиқбол режаларни тузиш ҳамда улар асосида фаолият олиб боришлари зарур.

## ХУЛОСА

Ўқитувчиларни муаммога доир масала юзасидан қисқа муддатларда қайта тайёрлашни ташкил этиш ва раҳбарлар томонидан тизимли ва узлуксиз назорат ўрнатиш, талаб қилиш, замонга мос равишда янгиликни ўзлаштиришни истамаётган ўқитувчилардан халос бўлиш вақти етди, деб ўйлаймиз. Таълим муассасалари раҳбарларининг педагогик жамоани инновацион талабалар асосида бошқара олиш қобилиятларини аниқлаш ва бу соҳадаги ташкилий-педагогик қарорлар қабул қилишни орқага сурмаслик муҳимдир.

Бугун жамият узлуксиз таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари олдида юксак кечиктириб бўлмайдиган талабларни қўймоқда. Ана шундай талабларга жавоб бера оладиган кадрларга шароитлар яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашни жорий этиш лозим.

Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар:

## REFERENCES

1. С.Т.Турғунов, Б.Х.Дониёров, Д.М.Отажонова “Ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим муассасаси раҳбарларининг функционал вазифалари” Т.: 2011. 51-58 б.
2. Р.Ф.Сафарова “Истиқболдаги таълим мазмунини модернизациялашнинг дидактик асослари” Т.: 2009.



3. Ш.Пўлатов “Таълим менежменти, ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқариш стратегияси” Т.: 2019.
4. Б.Зиямухамедов “Педагогика” Т.: 2014. 171-177 б.
5. Эрназарова Г. О., & Исламова М. Ш. (2019). Совершенствование подготовки к профессии учащихся профессиональных колледжей на основе акмеологического подхода. *Pedagogy & Psychology Theory and practice International Scientific Journal*, 6(26), 52-55.
6. Жабборова О. М. (2020). Психологические функции, формирующие художественное сознание студентов. *Педагогические науки*, 1(46), 144-145.
7. Исмаилова Д. М., & Каримов С. Ш. (2019). Актуальные проблемы технологического образования школьников. *ВЫСШАЯ ШКОЛА Научно-практический журнал*, (22), 6-8.
8. Rakhimov Otanazar. (2016). Theoretical Basis for Development Ecological Worldview as a Part of Students' Natural Scientific Worldview. *Eastern European Scientific Journal*, 5, 20-24.
9. Жабборова О. М. (2020). Психологические функции, формирующие художественное сознание студентов. *Педагогические науки*, 1(46), 144-145.
10. Mardonov S., Toshtemirova S., Ahmadjonov B., & Koshanova N. (2020). Structure and Mechanisms of Action of the Educational Cluster. *International Journal of Psychological Rehabilitation*, 24(07), 8104-8111.